

ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ КРИМИНОЛОГИК САБАБЛАРИ ВА МАХСУС ПРОФИЛАКТИК ТАЪСИР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Атажанов Ўткир Маматсалаевич

Мустақил тадқиқотчи

Тўлибоев Хонтўрабек Илхомжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим

3-ўқув курси 314-гуруҳ курсанти

Аннотация: Ушбу мақола Ўзбекистон Республикасида ҳаётга қарши жиноятларнинг олдини олишдаги махсус профилактика тизимининг криминологик ва ҳуқуқий асосларини таҳлил қилишга бағишланган. Тадқиқотда Жиноят кодексининг 97-1031-моддалари билан қамраб олинган жиноятларнинг ҳуқуқий моҳияти, уларнинг содир этилишига сабаб бўлувчи асосий омиллар (рецидивизм, алкоголизм, руҳий-маиший низолар) очиб берилади. Ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган манзилли чоралар, жумладан, "Қорадори" ва "Турмуш" каби махсус тадбирларнинг ўрни таҳлил қилинган. Мақолада махсус профилактиканинг самарадорлигини ошириш, хусусан, тиббий-психологик ҳамкорликни кучайтириш, виктимологик чораларни кенгайтириш ҳамда Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК) талаблари асосида профилактик тақдимномалар ижросини назорат қилиш бўйича илмий асосланган таклифлар киритилган.

Калит сўзлар: ҳаётга қарши жиноятлар, махсус профилактика, криминология, ички ишлар органлари (ИИО), виктимология, рецидив, тақдимнома.

КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЕ И ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СПЕЦИАЛЬНОЙ ПРОФИЛАКТИКИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ ПРОТИВ ЖИЗНИ

Аннотация: Данная статья посвящена анализу криминологических и правовых основ системы специальной профилактики преступлений против жизни в Республике Узбекистан. В исследовании раскрывается правовая сущность преступлений, охваченных статьями 97-1031 Уголовного кодекса, а также ключевые факторы, способствующие их совершению (рецидивизм, алкоголизм, психо-бытовые конфликты). Проанализирована роль адресных мер, реализуемых органами внутренних дел, в частности, специальных операций, таких как "Корадори" и "Турмуш". В статье представлены научно обоснованные предложения по повышению эффективности специальной профилактики, включая усиление медико-психологического взаимодействия, расширение

виктимологических мер и контроль за исполнением профилактических представлений на основе требований Уголовно-процессуального кодекса (УПК).

Ключевые слова: преступления против жизни, специальная профилактика, криминология, органы внутренних дел (овд), виктимология, рецидивизм, представление.

Ҳаётга қарши жиноятларнинг (ЖК 97–1031-моддалари) олдини олишдаги муваффақият умумий профилактикадан фарқли ўлароқ, айнан махсус профилактика чораларининг аниқ, тизимли ва индивидуаллаштирилган қўлланилишига боғлиқ.

Махсус профилактика криминоген вазиятдан келиб чиққан ҳолда ва айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини, уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган махсус режалар асосида амалга оширилади. Инсон ҳаётига тажовуз қилувчи қилмишлар Жиноят кодекси (ЖК) нинг "Шахсга қарши жиноятлар" бўлимидаги I боб – "Ҳаётга қарши жиноятлар"да (97-моддадан 1031-моддагача) қамраб олинган.

Бу жиноятлар жамият учун ўта хавфли бўлиб, шахснинг ҳаёт ҳуқуқига бевосита тажовуз қилишда намоён бўлади. Махсус профилактиканинг асосий мақсади айнан шу хавфлиликини келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф этишдан иборат. Ҳаётга қарши жиноятлар таркибини ўрганиш, махсус профилактика чораларини аниқ манзилли йўналтиришга хизмат қилади.

Қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-модда) жиноятининг объектив томони инсон ҳаётини қасддан барбод қилишдан иборат бўлиб, унинг юқори хавфлилиги жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда яққол намоён бўлади. Оғирлаштирувчи ҳолатлар (масалан: тамагирлик ниятида, миллий ёки ирқий адоват замирида, безорилик оқибатида, ўта шафқатсизлик билан) жиноятнинг мотиви ва усулини аниқлайди. Махсус профилактика айнан шундай мотивларни (адоват, тамагирлик, безорилик) келтириб чиқарувчи ижтимоий-психологик шароитларни, шунингдек, жиноят содир этилишига кўмаклашувчи криминоген гуруҳларни (бир гуруҳ шахслар, уюшган гуруҳ) аниқлаш ва уларга манзилли таъсир ўтказишни кўзда тутади

Енгиллаштирилган таркибдаги ҳаётга қарши жиноятларнинг моҳиятига назар солсак (ЖК 98, 99, 100, 101-моддалар) бу қилмишлар ҳам инсон ҳаётига қасддан тажовуз қилиш бўлса-да, жиноят субъекти ёки содир этилиш шароитининг ўзига хослиги сабабли ижтимоий хавфлилик даражаси нисбатан паст ҳисобланади. Масалан ЖК 98-модда (Кучли руҳий ҳаяжонланиш) жабрланувчининг ғайриқонуний зўрлиги ёки оғир ҳақорати натижасида юзага келган тўсатдан кучли руҳий ҳаяжонланишда қасддан одам ўлдириш жиноятининг махсус профилактикаси оила-турмуш ва маиший муҳитдаги низоли ва жанжалли вазиятларни кенг жамоатчилик (маҳалла) ёрдамида аниқлаб, уларнинг агрессив босқичга ўтишига йўл қўймасликда намоён бўлади.

Шунингдек ЖК 99-моддаси (онанинг чақалоғини ўз чақалоғини қасддан ўлдириши) онанинг махсус психологик ҳолатини ҳисобга олади. Ушбу жиноятнинг махсус профилактикаси аҳамияти ҳомиладор аёллар билан ижтимоий-психологик ишларни олиб бориш, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини мустаҳкамлашни белгилайди.

Ҳаётга қарши жиноятлар таркибида махсус ҳуқуқий ҳолатлар билан боғлиқ бўлган, аммо қонунийлик чегарасидан чиққан қилмишлар алоҳида ўрин тутати. Ушбу жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси паст бўлса-да, уларнинг содир этилишига асосан ҳуқуқий саводсизлик ёки хизмат интизомига риоя қилмаслик сабаб бўлади. ЖК 100-моддаси зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш бўлиб унинг ҳуқуқий моҳиятига кўра, ушбу норма шахснинг қонун билан ҳимоя қилинадиган зарурий мудофаа ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида, тажовузнинг характери ва хавфлилигига аниқ мос келмайдиган, яққол номутаносиб жавоб чораларини қўллаш натижасида келиб чиққан қасддан одам ўлдириш ҳолатини акс эттиради. Махсус профилактиканинг вазифаси кенг аҳоли қатламлари орасида ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришга қаратиш бўлиб бу, айниқса, фуқароларга зарурий мудофаа институтининг қонуний доиралари ва мутаносиблик талабини аниқ тушунтириш, ўз ҳаётини қонуний асосда ҳимоя қилиш кўникмаларини шакллантириш орқали амалга оширилади. ЖКнинг 101-моддаси эса ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш жиноятини белгилаб, ушбу норма жиноят-процессуал мажбурлов чорасини қўлловчи, яъни ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш ваколатига эга бўлган субъектлар фаолиятидаги қонун бузилишини белгилайди. Бу ҳолатда ўлимга олиб келган қасд, ушлаш учун зарур бўлган чоралардан яққол четга чиқиш оқибатида юз беради. Ушбу жиноятнинг махсус профилактикасининг асосий йўналиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг касбий тайёргарлиги ва хизмат интизомини мустаҳкамлашга қаратиш. Ушлаш жараёнларида қонуний қоидалар ва этикага риоя этилишини таъминлаш, ходимларнинг экстремал вазиятларда ўзини тутиш бўйича психологик ва ҳуқуқий билимларини мунтазам ошириш, ҳамда ички назорат механизмларини кучайтириш орқали бу турдаги жиноятларнинг олди олинади. Ушбу моддаларнинг мавжудлиги, ҳаётга қарши жиноятлар профилактикаси фақат жиноий ниятга эга шахсларга қарши эмас, балки қонуний ҳуқуқларни амалга ошириш жараёнидаги хатоларга қарши ҳам йўналтирилиши лозимлигини тасдиқлайди.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва ундаш (ЖК 103, 1031-моддалар) жиноятларининг объектив томони бевосита жисмоний ўлдириш эмас, балки психологик ва маънавий зўравонлик орқали шахсни ўз ҳаётига қасд қилишга мажбурлаш ёки ундашдан иборат. 1031-модданинг телекоммуникация тармоқлари, шу жумладан, Интернетдан фойдаланиб содир этилиши,

профилактикани виртуал муҳитга ҳам йўналтиришни ҳамда вояга етмаганлар ва ҳомиладор аёллар каби заиф тоифаларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган бундай тажовузларга қарши рақамли хавфсизлик ва онлайн мониторинг чораларини кучайтириш талаб этилади.

Ҳаётга қарши жиноятлар таркибида айбнинг эҳтиётсизлик шакли билан содир этиладиган қилмишлар – хусусан, эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш (ЖК 102-модда) алоҳида криминологик ўрин тутди. Бу жиноятнинг ҳуқуқий моҳияти шундаки, шахс ижтимоий хавфли оқибат ўлим юз бериши мумкинлигини олдиндан кўра билмаслик (бепарволик) ёхуд бундай оқибат келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билишига қарамай, енгилтаклик билан унинг олдини олишга умид қилиши натижасида содир этилади. Қасддан фарқли ўлароқ, бу ерда шахснинг ҳаётга нисбатан салбий ният эмас, балки ўта масъулиятсизлиги намоён бўлади. Шу боис, махсус профилактиканинг бу йўналишдаги асосий вектори оммавий-ижтимоий тусга эга бўлиши, жамиятда ҳуқуқий ва ижтимоий масъулиятни кескин оширишга қаратилиши керак. Бу, биринчи навбатда, турмуш, меҳнат ва бошқа фаолият соҳаларида хавфсизлик қоидаларига риоя этиш маданиятини шакллантириш ва қатъий назоратни ўрнатиш орқали шахснинг бепарволик ва енгилтакликка асосланган хатти-ҳаракатларининг жиноий оқибатларга олиб келишига йўл қўймасликни энг муҳим профилактик вазифа этиб белгилайди.

Ҳаётга қарши жиноятларнинг ҳуқуқий таснифи ва криминологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, махсус профилактиканинг амалга оширилиши унинг икки асосий тамойилига таянади: биринчиси, манзилли ёндашув бўлиб, махсус профилактиканинг энг муҳим жиҳати унинг аниқ мақсадга йўналтирилганида намоён бўлади. Фаолият айрим турдаги жиноятлар, масалан, ЖК 97-модданинг "л" банди (безорилик оқибатидаги қасддан одам ўлдириш) каби муайян таркибларга, ёки жиноий хавфлилиги юқори бўлган айрим тоифадаги шахсларга (рецидивистлар, гиёҳвандлар) нисбатан қаратилади, бундай чора-тадбирлар "Қорадори", "Орият", "Ўсмир" каби махсус режалар асосида, криминоген вазиятнинг кескинлиги ва мавсумий хусусиятлари инобатга олинган ҳолда амалга оширилади. Иккинчидан, тизимлилик (институционал ҳамкорлик) тамойилига кўра, махсус профилактик фаолият фақат Ички ишлар органлари (ИИО) томонидан якка тартибда кўрсатиладиган таъсир билан чекланмайди, аксинча, у ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи барча субъектлар прокуратура, адлия, Давлат хавфсизлик хизмати (ДХХ), таълим ва соғлиқни сақлаш органлари билан ҳамкорликда амалга оширилади; бундай институционал интеграция ҳаётга қарши жиноятларнинг сабаблари (ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий) ва шарт-шароитларини комплекс равишда бартараф этиш имконини бериши билан бирга, махсус профилактикани оддий назоратдан фарқлаб, уни жиноий

тажовузга қарши курашнинг илмий асосланган, комплекс ва тизимли усулига айлантиради.

Махсус профилактиканинг тизимли моҳияти унинг сабаб ва шароитларга қаратилганлик тамойилида яққол намоён бўлади. Махсус профилактика доирасида ҳаётга қарши жиноятларнинг сабаблари (мотивлари) ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар (мастлик, оилавий низолар, руҳий касалликлар) чуқур криминологик таҳлил асосида аниқланади ва бартараф этиш чоралари ишлаб чиқилади. Ҳаётга қарши жиноятларнинг ҳуқуқий моҳиятини бундай кенг таҳлил қилиш, мақолада таклиф этилган махсус профилактика механизмларининг – жумладан, мажбурий даволаш, руҳий назорат ва виктимологик чораларнинг – илмий асосланишини мустаҳкамлайди, уларнинг фақат реактив эмас, балки проактив (олдиндан ҳаракат қилувчи) таъсир кучини оширади.

Ҳаётга қарши жиноятлар (ЖК 97-1031-моддалари) криминологик жиҳатдан таҳлил қилинганда, уларнинг сабаблари асосан учта муҳим йўналишда намоён бўлади ва Ички ишлар органлари (ИИО) ўз фаолиятини айнан шу йўналишлар бўйича кучайтириши талаб этилади. Жиноий тажовузкорликка мойил шахслар ўртасидаги махсус профилактика йўналишининг моҳияти шундаки, ҳаётга қарши жиноятларнинг асосий манбаи бу ижтимоий-демографик, маънавий-руҳий ва жиноий-ҳуқуқий хусусиятларига кўра тажовузкорликка мойил бўлган шахслар тоифаси ҳисобланади, шу сабабли, махсус профилактиканинг моҳияти айнан шу тоифадаги шахсларга манзилли таъсир ўтказишда намоён бўлади.

Жиноят содир этиш хавфи юқори бўлган рецидивистлар ва хавфли рецидивистлар (ЖК 97-модда, "р" ва "с" кичик бандлари) томонидан янги оғир жиноятлар содир этилишининг олдини олиш махсус профилактиканинг стратегик моҳиятини ташкил этади. Бунда комплекс ёндашув асосида, яъни муайян ҳудуд миқёсида (якка тартибдаги таъсирдан фарқли ўлароқ) фаолият амалга оширилади. Бу чоралар жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация (ишга/ўқишга жойлаштириш, рўйхатга қўйиш, психологик ёрдам) ва ижтимоий мослаштириш (оилага, маҳаллага мослашишда кўмак, моддий ёрдам) тадбирларини қамраб олади. Ички ишлар органлари (ИИО) бу жараёни самарали ташкил этиш учун судлар, меҳнат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимликлари билан ҳамкорликда тизимли фаолият олиб бориши лозим.

Ҳаётга қарши жиноятларнинг аксарияти (айниқса, оила-турмуш доирасидаги қасддан одам ўлдиришлар) мастлик ҳолатида содир этилиши муҳим криминологик сабаб ҳисобланади. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ақл-ирода фаолиятига таъсир этиб, шахснинг агрессивлик даражасини кескин оширади ва жиддий фожиаларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли, махсус профилактика чоралари бу йўналишда қуйидагиларни ўз ичига

олади: биринчидан, гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар кўпайганда "Қорадори" каби махсус тадбирлар ўтказилади; иккинчидан, сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик билан касалланган шахсларни суднинг ажрими асосида мажбурий тарзда даволашни амалга ошириш ва бунда Соғлиқни сақлаш муассасаларига кўмаклашиш Ички ишлар органларининг (ИИО) мажбурияти ҳисобланади; учинчидан, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг муомалада бўлиши соҳасида фаолият юритувчи объектларга тўсқинликсиз кириш ва қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш орқали моддаларнинг қонунга ҳилоф муомаласи билан боғлиқ жиноий хавфни камайтириш учун назоратни кучайтириш талаб этилади.

Жиноий тажовузкорликка мойил шахслар тоифаси орасида вояга етмаганлар алоҳида ўрин тутди. Улар ўртасида ҳаётга қарши жиноятларнинг олдини олиш мақсадида "Ўсмир" ва "Назорат" каби махсус тадбирлар мунтазам равишда ўтказилади. Бу борадаги фаолиятнинг ҳуқуқий асосини "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонун ташкил этади, унда вояга етмаганларнинг руҳий ва биофизиологик ҳолати каби индивидуал хусусиятлар инobatга олиниб, профилактик таъсир чоралари ишлаб чиқилади.

Махсус профилактиканинг иккинчи муҳим жиҳати бу ҳаётга қарши жиноятларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишдир. Бунда муайян ҳудуд, объект ёки мавсумдаги криминоген хавфлар эътиборга олинади. Жумладан, "Орият" тадбири ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликлар (фоҳишалик, қўшмачилик) кўпайганда ўтказилади, бу эса билвосита жиноятга сабаб бўлувчи низоли вазиятларнинг (масалан, рашк, ҳақорат оқибатидаги қасддан одам ўлдириш) олдини олишга хизмат қилади. Шунингдек, "Хужра" ва "Тозалаш" тадбирлари диний экстремизм ва терроризм хавфи кучайганда ўтказилиб, ЖК 97-моддасининг "к" (миллий ёки ирқий адоват замирида) ва "м" (диний таассублар замирида) бандлари бўйича содир этилиши мумкин бўлган қасддан одам ўлдириш каби оғир жиноятларнинг олдини олишга қаратилган муҳим махсус чоралар ҳисобланади.

Махсус профилактиканинг самарадорлиги унинг фақатгина ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар (ИИО, Прокуратура, ДХХ, Адлия органлари ва ҳ.к.) томонидан эмас, балки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари жалб этиш орқали амалга оширилиши билан белгиланади. Бундай кенг қамровли ёндашув оилавий ва маиший низоларнинг дастлабки босқичидаёқ жамоатчилик ёрдами билан бартараф этилиши, демак, ҳаётга қарши жиноятларнинг олди олинишига имкон яратади, чунки низоларнинг аксарияти айнан маҳалла ва оила доирасида келиб чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳаётга қарши жиноятларнинг махсус профилактикасининг самарадорлиги криминологик хавфлиликни келтириб

чиқарувчи шахслар тоифаларини (рецидивист, гиёҳванд, вояга етмаган) ва криминоген шарт-шароитларни (мастлик, экстремизм, ахлоқсизлик) аниқлаган ҳолда, соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган "махсус тадбирлар" (масалан, "Қорадори", "Орият", "Антитеррор") орқали амалга оширилади. Бу ёндашув инсон ҳаётига тажовузнинг олдини олишда манзиллик ва тизимлилик тамойилларининг устуворлигини таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон) <https://lex.uz/docs/6445145> (Мурожаат вақти: 08.11.2025й)
2. Ш.М. Мирзиёев. "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови". Халқ сўзи, 2016, № 243 (6678), Б.1–3.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни. (Мурожаат вақти: 08.11.2025й)
4. 2022 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сонли Фармони. (Мурожаат вақти: 08.11.2025й).
5. Атажанов Ў. М. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР //World scientific research journal. – 2023. – Т. 12. – №. 2. – С. 81-89.
6. Атажанов Ў. Шаҳар ҳудудида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактика инспектори фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг бугунги ҳолати ва ўзига хос хусусиятлари //Актуальные вопросы обеспечения прав женщин и предотвращения насилия в семье в Узбекистане. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 24-30.
7. Майор А. Ў. М. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАХАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИДАГИ ҲИСОБОТ БЕРИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 11. – №. 6. – С. 117-121.